

“ТУРОН” – МИЛЛИЙ ТЕАТР САНЪАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Севинч ИСМАТУЛЛАЕВА

талаба

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

e-mail: sismatullayeva152@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек миллий театр санъатининг шаклланиш жараёни, хусусан, “Турон” театр труппасининг ташкил топиши, унинг ижодий фаолияти, репертуар сиёсати ва миллий драматургияни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сахнада намоён этилган “Падаркуш”, “Бахтсиз куёв” ҳамда “Ҳалима” пьесалари илмий асосда таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: миллий уйғониш, театр, труппа, драматургия, сахна, спектакль, матбуот, пьеса, опера, драмстудия.

“Турон” – основа национальной сцены

Севинч ИСМАТУЛЛАЕВА

студентка

Қаршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В данной статье рассматривается процесс формирования узбекского национального театрального искусства, в частности, создание театральной труппы «Турон», ее творческая деятельность, репертуарная политика и роль в развитии национальной драматургии. Кроме того, спектакли «Падаркуш», «Бахтсиз куёв» и «Халима», поставленные на сцене, будут проанализированы с научной точки зрения.

Ключевые слова: Национальное пробуждение, театр, труппа, сцена, драматургия, спектакль, пресса, пьеса, опера, драмстудия.

Театр санъати ХХ аср ўзбек маданияти тарихида, хусусан, жадидчилик драматургияси доирасида юзага келган муҳим ва ноёб ҳодисалардан бири ҳисобланади. 1913 йилда Абдулла Авлоний ташаббуси ва раҳбарлигида ташкил этилган “Турон” театр труппаси Туркистон ўлкасида миллий театр санъатининг шаклланиши ва кенг ёйилишига асос бўлган илк профессионал жамоалардан биридир. Ушбу труппанинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад сахна орқали оила ҳаётини тасвирлаш, инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш ҳамда маърифий тарбия воситасида жамиятда кучайиб бораётган миллий уйғониш ғояларини сингдиришдан иборат эди.

“Турон” театр труппаси жадидларнинг илғор ижтимоий-эстетик карашлари асосида шаклланиб, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулла Авлонийнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қисқа вақт ичида халқ маданий ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланди. Труппа фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурати туғилгач, Абдулла Авлоний томонидан унинг “Низом”и ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. 1916 йилда тузилган мазкур “Низом” 73 банддан иборат бўлиб, унда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият юритиш шартлари ҳамда ижодий жараённинг ташкилий асослари батафсил белгилаб берилган. Ҳужжатда профессионал театрни йўлга қўйишнинг энг содда жиҳатларидан тортиб, мураккаб ташкилий масалаларигача камраб олинган. Шунини таъкидлаш жоизки, “Турон” труппаси 1916 йил ноябрь ойида расмий равишда профессионал жамоа сифатида қайд этилган бўлса-да, амалда у 1914 йилдаёқ қатъий ички тартиб-интизом ва ижодий мезонларга асосланган мустаҳкам театр жамоаси сифатида фаолият юритган [4;70].

Авлоний томонидан ишлаб чиқилган “Низом”да “Турон” труппасининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган: аҳоли ўртасида сахна санъати ва хайрия ишларига нисбатан жиддий муносабатни шакллантириш; халқ учун маърифий ва эстетик жиҳатдан мукаммал спектакллар намойиш этиш; Туркистон ўлкасида яшовчи эҳтиёжманд мусулмон аҳоли қатламининг моддий ва маънавий аҳволини яхшилашга кўмаклашиш.

“Турон” труппаси “Мусулмонлар драма санъати ҳаваскорлари жамияти” номи остида расмий муҳрга эга бўлгач, 1914 йил 27 февраль куни 2000 томошабинга мўлжалланган “Колизей” театр биносида илк спектаклини намойиш этди. Ушбу сахна асари “Падаркуш” бўлиб, у Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан ёзилган ва Али Асқар Асқаров режиссёрлигида сахналаштирилган. Спектаклда “бой” образи Абдулла Авлоний, “зиёли” образи эса Низомиддин Хўжаев томонидан ижро этилган. Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, томошага бўлган катта қизиқиш сабабли чипталар

олдиндан сотилиб кетган, ҳатто томошабинлар тик туриб спектаклни кўришга ҳам рози бўлганлар.

Мазкур спектакль кутилганидан ҳам юқори натижа бериб, давр матбуотида “тарихий кун” сифатида эътироф этилган. Ундан тушган маблағлар Тошкентдаги хайрия ташкилотларига йўналтирилган. 1914–1916 йиллар давомида труппа “Падаркуш” пьесаси билан Фарғона водийси бўйлаб гастроль сафарларини амалга ошириб, ҳатто сиёсий нотинчликлар даврида ҳам сахна фаолиятини тўхтатмади. Аксинча, бу жараён янги драматурглар ва театр жамоаларининг шаклланишига тurtки берди. Жумладан, Абдулла Қодирий 1919 йилда ёзган мақоласида “Бахтсиз куёв” драмасини яратишда “Падаркуш” асарининг таъсирини ўзи ҳам сезмаган ҳолда қабул қилганини таъкидлайди [2:80].

Абдулла Қодирийнинг “Тўй” номли мазкур драмаси Тошкент хаваскор томошабинлари билан бир қаторда рус театр танқидчиларининг ҳам эътиборини тортди. Хусусан, Гр. Адресов “Бахтсиз куёв” драмаси ҳақидаги мулоҳазаларида яқин кунларда ушбу асарнинг сахна талқини тайёрланишини маълум қилган. Мазкур драма “Турон” труппаси томонидан илк бор 1915 йил 4 ноябрь куни “Қишлик Хива” театр биносидан Низомиддин Хўжаев режиссёрлигида сахналантирилган. Асарда бойлар ва амалдорлар зулми остида яшаётган оддий халқнинг оғир турмуш шароити очиб берилди. Спектаклда Абдулла Авлоний “Файзибой”, Подшоҳўжаев “судхўр бой”, Сулаймон Хўжаев эса “суд пристави” образларини маҳорат билан гавдалантириб, салбий типдаги қаҳрамонларни ишонарли тарзда яратишга эришганлар.

“Турон” театри ўз фаолияти давомида татар ва озарбайжон театр жамоалари билан ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу ҳамкорлик натижасида тили, дини ва маданий анъаналари ўхшаш бўлган халқларнинг драматик асарлари ўзбек томошабинлари орасида кенг тарқалди. Таржимонлик истеъдодига эга бўлган Абдулла Авлоний озарбайжон ва татар драматургиясига мансуб “Бадбахт келин”, “Қотили Карима”, “Жаҳолат”,

“Ўликлар” каби асарларни ўзбек (сартча) тилига ўгириб, миллий театр репертуарининг бойишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Авлоний “Турон” труппаси учун махсус “Адвокатлик осонми?!”, “Пинак”, “Биз ва сиз”, “Икки севги”, “Португалия инқилоби” каби драматик асарларни ҳам яратган бўлса-да, уларнинг аксарияти ўз даврида нашр этилмаган.

“Турон” труппаси сахнасида намоёниш этилган кўплаб спектаклларда бош ролларни Абдулла Авлоний ўзи ижро этган. Жумладан, Маллу (“Лайли ва Мажнун”), Алибой (“Тўй”), Шайх Насрулло (“Ўликлар”) каби образлар унинг актёрлик маҳоратини яққол намоён этади.

Театр фаолиятида бошқа драматург ва ижодкорларнинг ҳиссаси ҳам муҳим бўлди. Хусусан, труппанинг фаол аъзоларидан бири Ғулом Зафарий бутун умрини театр санъатига бағишлаб, актёр, режиссёр ва режиссёр ёрдамчиси сифатида самарали фаолият олиб борди. 1914 йилда у “Падаркуш” драмаси таъсирида ўзининг илк сахна асари – “Бахтсиз шогирд” пьесасини яратди.

Табиатан мусиқага мойил бўлган Ғулом Зафарийнинг ижоди кейинчалик мусиқали драма жанрининг шаклланишига олиб келди. Унинг энг машҳур асари – “Ҳалима” драмаси ўз даври маданий ҳаётида муҳим воқеа сифатида баҳоланди. Ушбу асар илк ўзбек мусиқали драма (опера унсурларига эга сахна асари) сифатида эътироф этилади. Муаллиф драмадаги мусиқий безакларни Шораҳим Шоумаров ва Мулла Тўйчи ҳофиз ёрдамида сахна талабларига мослаштирган, спектакль эса Маннон Уйғур режиссёрлигида сахнага қўйилган. Асар сюжетида ижтимоий тенгсизлик туфайли фожиали тақдирга дучор бўлган икки ёш – Неъмат ва Ҳалиманинг қисмати тасвирланади; ушбу ролларни А.Ҳидоятлов ва М.Қориева ижро этганлар.

Мазкур мусиқали драма сахналаштирилиши кўплаб ижодкорларда, жумладан, Абдурауф Фитратда ҳам катта қизиқиш уйғотди. У “Иштирокиюнъ” газетасининг 1920 йил 29 сентябрь сонидида бу ҳақда шундай ёзади: “Ўз ҳаётимиздан олиниб, ўзбек куйларида опера яратмоқ ҳалигача

бўлмаган эди. Шунинг учун бу кеча бир синов бўлди. Ўз куйларимиз, ўз чолғуларимиз билан опера қўя олурми? “Ҳалима”ни кўргандан сўнг бунга жавоб топдик” [5;47].

Музаффар Муҳаммедовнинг таъкидлашича, мазкур драма дастлаб кичик ҳажмдаги мактаб дафтарчасига ёзилиб, атиги икки-уч мусиқий парчани ўз ичига олган. Кейинчалик Маннон Уйғурнинг таклиф ва тавсиялари асосида асар қайта ишланиб, беш кўринишли мукамал сахна асарига айлантирилган.

“Турон” театр труппасининг истеъдодли актрисаларидан бири Лутфихоним Саримсоқова ушбу драмада Неъматнинг онаси образини юксак маҳорат билан гавдалантирган. Айниқса, Неъматнинг вафотидан сўнг ижро этилган марсия сахнаси томошабинларга кучли ҳиссий таъсир кўрсатиб, сахна якунида парданинг ёпилиши ҳам бир муддат унутилган. Актрисанинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди: “Спектакль бошланиши арафасида у ўз фарзандининг вафоти ҳақида оғир хабар олган, бироқ бу фожеани ҳеч кимга билдирмай сахнага чиққан. Ушбу ҳолат унинг сахнадаги ижросига янада теранлик ва самимийлик бахш этган” [7].

Гулом Зафарийнинг мазкур мусиқали драмаси Туркистон театр ҳаётида катта шов-шув уйғотиб, қарийб 17 йил давомида узлуксиз сахналаштириб келинди. Бироқ кейинчалик большевиклар томонидан театр репертуари ва таркибини қайта кўриб чиқиш, яъни “тозалаш” жараёни бошлаб юборилди. Натижада Абдулла Авлоний, Чўлпон, Низомиддин Хўжаев, Маннон Уйғур каби кўплаб зиёлилар миллий театрни сақлаб қолиш мақсадида Мунавварқори Абдурашидхонов тавсияси билан большевиклар партиясига аъзо бўлишга мажбур бўлдилар.

Топшириқ билан Маннон Уйғур бошчилигидаги театр жамоаси Ақтүбе фронтига йўналтирилди. Бир неча ой ичида труппа аъзолари турли йўналишларга тарқалиб кетди. Кейинчалик Маннон Уйғур Мунавварқори Абдурашидхоновнинг моддий кўмагида Москвадаги театр институтида таҳсил олди. У бир йиллик таълимдан сўнг, 1924 йилда Москвада “Ўзбек

драмстудияси”ни ташкил этди. Шу тариқа Тошкент шаҳрида фаолият юритган “Турон” мусулмонлар драма санъати ҳаваскорлари жамияти ўз фаолиятини якунлади.

Хулоса қилиб айтганда, “Турон” труппасининг ташкил этилиши ўзбек миллий театр санъати тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Гарчи труппа нисбатан қисқа – тахминан ўн беш йил фаолият кўрсатган бўлса-да, у кейинчалик Ўзбек миллий академик драма театри каби йирик маданият масканларининг шаклланишига мустаҳкам замин яратди. “Турон” театр жамоаси ва унинг фидойи намоёндалари миллий маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдириб, ўзбек театр санъатининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Турон” театр труппасининг ташкил этилиши XX аср бошларида ўзбек миллий театр санъатининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилган. Жадид маърифатпарварлари, хусусан Абдулла Авлоний ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида юзага келган мазкур труппа нафақат сахна санъатини ривожлантирди, балки жамиятда миллий уйғониш, маърифий ислохотлар ва эстетик тафаккурнинг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатди.

“Турон” жамоасининг фаолияти орқали миллий драматургия тараққий этди, сахна асарлари мазмунан бойиб, ижтимоий муаммоларни ёритишга хизмат қилди. Хусусан, Абдулла Қодирий, Гулом Зафарий каби ижодкорларнинг асарлари орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, маърифатсизлик ва турмуш муаммолари ўз бадиий ифодасини топди. Айниқса, “Ҳалима” каби мусиқали драмаларнинг сахнага қўйилиши миллий театрда янги жанр – мусиқали драма (опера унсурларига эга сахна асари)нинг шаклланишига замин яратди.

Шу билан бирга, “Турон” труппасининг таржима фаолияти, хорижий (татар ва озарбайжон) драматургияси намуналарини миллий сахнага олиб кириши ўзбек театрининг мазмун ва шакл жиҳатидан бойишига хизмат

қилди. Труппа томонидан йўлга қўйилган сахна маданияти, ижро маҳорати ва ташкилий тизим кейинги театр жамоалари учун муҳим тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Гарчи тарихий-сиёсий шароитлар, хусусан, совет даври бошланиши билан боғлиқ ўзгаришлар натижасида труппа фаолияти яқунланган бўлса-да, унинг мероси кейинги театр тараққиётида давом этди. Хусусан, Маннон Уйғур томонидан ташкил этилган драмстудиялар ва профессионал театр жамоалари айнан “Турон” анъаналарининг мантикий давоми сифатида майдонга чиқди.

“Турон” театр труппаси ўзбек миллий театр санъатининг пойдеворини яратган, уни маърифий ва бадиий жиҳатдан юксак босқичга кўтарган муҳим тарихий ҳодиса сифатида баҳоланади. Унинг фаолияти миллий маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдириб, бугунги театр санъати ривожига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ahmad S. “Turon” sanoyi nafisa ittifoqi //Jadid, 2024-yil 8-mart. 11-son.
2. Қодиров М, Қодирова С. Ўзбек театр тарихи. – Тошкент: Нисо, 2019. – 80 б.
3. Қосимов Б, Юсупов Ш, Долимов У, Ризаев Ш, Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 458 б.
4. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 318 б.
5. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Тошкент: ЎМКХТМ, Билим, 2005. – 288 б.
6. Турсунов Т. Ўзбекистон театр таълимининг илк қадамлари //Театр, 2001. – № 3.
7. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1983-йил, 6-май.